# Ўқув йили якунлари бўйича таълим муассасалари ва халқ таълими бошқарув идораларининг РЕЙТИНГИНИ аниқлаш тартиби тўғрисида

Республика таълим маркази бўлим
бошлиғи Сафарали Хамраев

## ХТВнинг 2017 йил 16 январдаги 13-сонли буйруғи билан “Таълим муассасалари ва халқ таълими бошқарув идораларининг РЕЙТИНГИНИ” аниқлаш тартиби тубдан ўзгартирилди:

**1. Рейтингни аниқлаш кўрсаткичлари даража (индекс)ларга ажратилди ва сифат даражасига алоҳида эътибор қаратилди**

**Таълим сифати даражаси индекси-**
**умумий тўплаш мумкин бўлган балнинг**
**мактаб– 58,6%, туман-50,0%, вилоят-50,0%**

**Ўқитувчилар касбий маҳорати кўрсаткич индекси –**
**умумий тўплаш мумкин бўлган балнинг**
**мактаб– 28,3%, туман-32,0%, вилоят-28,6%**

**Таълим муассасасининг умумий фаолияти кўрсаткичи индекси**
**умумий тўплаш мумкин бўлган балнинг**
**мактаб– 8,7%, туман-12,0%, вилоят-14,3%**

**Кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини баҳолаш индекси**
**умумий тўплаш мумкин бўлган балнинг**
**мактаб– 4,4%, туман-5,8%, вилоят-7,1%**

**2. Тўплаш мумкин бўлган энг юқори (максималл балл) белгиланди (илгари аниқланмаган эди, бу эса ўз навбатида энг юқори балга нисбатан неча фоиз натижа қайд этилганлигини аниқлаш имконини бермас эди).**

**Таълим муассасалари учун -4600 балл**

**Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари учун-3400 балл**

**Ҳудудий бошқармалар учун-2800 балл**

**Ушбу баллар ўқув йили давомида ўтказилган кўрик-танловлар сонига қараб ўзгариши мумкин!**

**3. Билимлар беллашувидан бошқа кўрик-танловларнинг “оммавийлиги” таъминланди, илгари бошқа танловларнинг фақат вилоят ва республика босқичларида ғолиблик учун баллар қўшиб берилар эди, бу эса ўз навбатида кўрик-танловларнинг туман босқичи ўтказилган ёки ўтказилмаганлигини ҳамда туман босқичида умумтаълим мактабларининг иштирок этган ёки этмаганлигини аниқлаш имконини бермас эди.**

**Ўтказилган ҳар бир кўрик танловларнинг барча босқичлари (туман, вилоят, республика) инобатга олиниб, ҳар бир босқичда иштирок этиб, тўпланган баллар (ёки ўртача баллар) қўшиб борилади, шунингдек, кўрик-танловларнинг ғолибларига қўшимча рағбат баллари қўшиб берилади.**

**4. Кўрик-танловлар орасида тенглик таъминланди, Илгари фақат Билимлар беллашувида 400 ёки 500 балл тўплаш мумкин-у, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” ёки бошқа кўрик танловларнинг Республика босқичи ғолибларига фақатгина 20 ёки 10 балл қўшиб берилар эди, бу эса ўз навбатида ушбу кўрик-танловларнинг нуфузини пасайишига олиб келар эди.**

**Кўрик-танловлар орасида тенглик таъминланди, яъни тўрт (мактаб, туман, вилоят, республика) босқичда ўтказиладиган танловлар учун 400 балл, уч босқичда ўтказиладиган танловлар учун 300 балл, икки босқичда ўтказиладиган танловлар учун 200 балл қўшиб берилади.**

5. Фаолият турларини тўлиқ қамраб олинишига эришилди, илгари Рейтингни аниқлаш умумтаълим мактабларида-6 та, туман (шаҳар)ларда-10 та, ҳудудий бошқармаларда-14 та кўрсаткич асосида амалга оширилар эди, яъни маънавий-маърифий тадбирлар, ўқитувчилар касбий маҳорати, кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёни ҳақидаги фикрларини инобатга олмас эди.

Фаолият турларини тўлиқ қамраб олиш,яъни маънавий-маърифий тадбирлар, ўқитувчилар касбий маҳорати, кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёни ҳақидаги фикрларини инобатга олишни қамраб олиш мақсадида Рейтингни аниқлаш умумтаълим мактабларида- 22 та, Туман (шаҳар)лар-26 та, Вилоятлар-26 та кўрсаткич асосида амалга оширилади.

Бу кўрсаткичлар ўқув йили давомида ўтказилган танловлар сонидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин.

# Таълим муассасалари рейтингини аниқлаш кўрсаткичлари тизими

| т/р | Кўрсаткичлар* | максимал балл | Кўрсаткичнинг умумий рейтингдаги салмоғи |
|---|---|---|---|
| | Жами рейтинг бали ва фоиз | 4600 | 100% |
| | **I.Таълим сифати даражаси индекси** | **2700** | **58,6%** |
| 1.1. | Таълим муассасаси жамоасининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувидаги иштироки кўрсаткичлари | 400 | 8,7% |
| 1.2. | Фан олимпиадаси кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 1.3. | "Ҳуқуқ билимдонлари" кўрик-танлови кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 1.4. | "Китобхон мактаб" кўрик-танлови кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 1.5. | "Ораста қизлар" кўрик-танлови кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 1.6. | "Жаҳолатга қарши маърифат" кўрик-танлови кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 1.7. | "Конституция бахтимиз пойдевори" кўрик-танлови кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 1.8. | "Президент асарларини ўрганамиз" кўрик-танлови кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 1.9. | 9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган умумтаълим фанларини ўзлаштириш мониторинги кўрсаткичлари | 100 | 2,2% |
| 1.10. | Ўқувчилар ўртасида ўтказилган онлайн олимпиада кўрсаткичлари | 100 | 2,2% |
| | **II.Ўқитувчилар касбий маҳорати кўрсаткичи индекси** | **1300** | **28,3%** |
| 2.1. | Ўқитувчилар таянч маълумот кўрсаткичлари (олий, ўрта махсус) | 100 | 2,2% |
| 2.2. | Ўқитувчиларнинг малака тоифалари бўйича сифат кўрсаткичлари | 200 | 4,3% |
| 2.3. | “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови кўрсаткичлари | 400 | 8,7% |
| 2.4. | "Йилнинг энг фаол синф раҳбари" кўрик-танловчи кўрсаткичлари | 300 | 6,5% |
| 2.5. | Чет тили ўқитувчиларининг ойлик маошларига қўшиб бериладиган устамалар кўрсаткичи | 100 | 2,2% |
| 2.6. | Директор жамғармаси ҳисобидан устама олиш кўрсаткичлари | 100 | 2,2% |
| 2.7. | Ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларидан ўтиш кўрсаткичлари | 100 | 2,2% |
| | **III.Таълим муассасасининг умумий фаолияти кўрсаткичи индекси** | **400** | **8,7%** |
| 3.1. | “Энг обод таълим муассасаси” кўрик танлови кўрсаткичи | 200 | 4,3% |
| 3.2. | “Энг яхши мактаб директори” кўрик танлови кўрсаткичи | 100 | 2,2% |
| 3.3. | Муассаса жамоасининг спорт мусобақаларидаги кўрсаткичлари | 100 | 2,2% |
| | **IV. Кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини баҳолаши индекси** | **200** | **4,4%** |
| 4.1. | Таълим истеъмолчилари, таълим муассасалари жамоалари ҳамда ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари кўрсаткичлари | 100 | 2,2% |
| 4.2. | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мактаб фаолиятига оид мурожаатлари (шикоят ва аризалар) кўрсаткичлари | 100 | 2,2% |

# Умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувидаги иштироки кўрсаткичлари

| Таълим муассасаси (400 балгача) | Туман(шаҳар) ХТМФМТТЭБ (300 балгача) | Ҳудудий бошқармалар (200 балгача) |
| --- | --- | --- |
| "Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашуви"даги иштироки ва уларнинг натижалари: ўқувчиларнинг фаол иштироки учун рағбат баллари билан қўшиб ҳисоблаганда муассаса жами 400 балл тўплаш имкониятига эга. Таълим муассасаси жами 400 баллнинг 100 баллини "Билимлар беллашувининг иккинчи (туман) босқичида ўқувчиларнинг ўртача тўплаган балли орқали аниқланса, қолган 300 баллни беллашувнинг 2-, 3-, 4-босқичларида ўқувчилари совринли ўринларни эгаллагани учун бериладиган рағбат баллари орқали тўплаши мумкин бўлади. Рағбат бали совринли ўринларни эгаллаш имкониятига нисбатан олинади. Масалан, туманда 28 та совринли 1-ўрин мавжуд бўлса 2800 балл тўплаш имконияти мавжуд. 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларнинг баллари қўшилиб 2800 бўлиш ва 100 га кўпайтириш орқали рағбат бали ҳисобланади. | Ўқувчиларнинг фаол иштироки учун рағбат баллари билан қўшиб ҳисоблаганда туман(шаҳар) бўлим жами 300 балл тўплаш имкониятига эга. Бўлим жами 300 баллнинг 100 баллини "Билимлар беллашувининг учинчи (вилоят) босқичида ўқувчиларнинг ўртача тўплаган балли орқали аниқланса, қолган 200 баллни беллашувнинг 3-, 4-босқичларида совринли ўринларни эгаллагани учун бериладиган рағбат баллари орқали тўплаш мумкин бўлади. Масалан, вилоятда 28 та совринли 1-ўрин мавжуд бўлса 2800 балл тўплаш имконияти мавжуд. 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларнинг баллари қўшилиб 2800 бўлиш ва 100 га кўпайтириш орқали рағбат бали ҳисобланади. | Ўқувчиларнинг фаол иштироки учун рағбат баллари билан қўшиб ҳисоблаганда ҳудудий бошқарма жами 200 балл тўплаш имкониятига эга. Ҳудудий бошқарма жами 200 баллнинг 100 баллини "Билимлар беллашувининг тўртинчи (республика) босқичида ўқувчиларнинг ўртача тўплаган бали орқали аниқланса, қолган 100 бални беллашувнинг 4-босқичда совринли ўринларни эгаллагани учун бериладиган рағбат баллари орқали тўплаш мумкин бўлади. Туман рағбат балларини ҳисоблаш тартибида ҳудудий бошқармаларнинг республика босқичидаги иштироки натижалари асосида рағбат бали берилади. |

## 1.1.Умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувидаги иштироки кўрсаткичлари

**1.1 Таълим муассасаси жамоасининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувидаги иштироки кўрсаткичлари максимал: 400 балл**

**Туман босқичида иштирок этган жами ўқувчиларнинг тўплаган умумий ўртача бали- максималл 100 балгача**

**Туман босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар учун рағбат бали- максимал 100 балгача**

Масалан: мактабдан 30 нафар ўқувчи максимал баллар билан совринли ўринларни эгалласа 3000 балл тўплаши мумкин, агарда улардан 15 нафари совринли (1-,2-,3-) ўринларни эгаллаб 1350 балл тўпласа, мактабга иккинчи босқич якуни бўйича ((1350/3000)*100=) 45,00 балл рағбат сифатида қўшиб берилади.

**Вилоят босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар учун рағбат бали-100 балгача**

(юқоридаги формула каби рағбат бали ҳисобланади)

**Республика босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар учун рағбат бали-100 балгача**

(юқоридаги формула каби рағбат бали ҳисобланади)

## 1.2. Умумтаълим фанлари бўйича ўтказиладиган фан олимпиадаси кўрсаткичлари

**1.2. Таълим муассасаси жамоасининг умумтаълим фанлари бўйича ўтказиладиган фан олимпиадалари кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

**Туман босқичида иштирок этган жами ўқувчиларнинг тўплаган умумий ўртача бали- максималл 100 балгача**

**Туман босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар учун рағбат бали- максимал 100 балгача**

Масалан: мактабдан 18 нафар ўқувчи максимал баллар билан совринли ўринларни эгалласа 1800 балл тўплаши мумкин, агарда улардан 10 нафари совринли (1-,2-,3-) ўринларни эгаллаб 950 балл тўпласа, мактабга иккинчи босқич якуни бўйича ((950/1800)*100=) 52,78 балл рағбат сифатида қўшиб берилади.

**Вилоят босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар учун рағбат бали-100 балгача**

Масалан: мактабдан 18 нафар ўқувчи максимал баллар билан совринли ўринларни эгалласа 1800 балл тўплаши мумкин, агарда улардан 10 нафари совринли (1-,2-,3-,4-,5-) ўринларни эгаллаб 950 балл тўпласа, мактабга учинчи босқич якуни бўйича ((950/1800)*100=) 52,78 балл рағбат сифатида қўшиб берилади.

## 2.1. Ўқитувчилар таянч маълумот кўрсаткичлари

**2.1. Ўқитувчилар таянч маълумот кўрсаткичлари 100 балл**

**Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган олий педагогик маълумотли ўқитувчилар улушининг фоиз кўрсаткичи 100 баллгача баҳоланади.**
(ушбу кўрсаткич ҳар ўқув йили бошида шакллантириладиган асосий кўрсаткичлардан олинади)

## 2.2. Ўқитувчиларнинг малака тоифалари бўйича сифат кўрсаткичлари

**2.2. Ўқитувчиларнинг малака тоифалари бўйича сифат кўрсаткичлари 200 балл**

**Мактабда фаолият кўрсатаётган Олий ва биринчи малака тоифали ўқитувчилар фоизига мос равишда-максимал 100 балгача баҳоланади.**
(ушбу кўрсаткич ҳар ўқув йили бошида шакллантириладиган асосий кўрсаткичлардан олинади)

**Мактабда фаолият кўрсатаётган Олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали ўқитувчилар фоизига мос равишда-максимал 100 балгача баҳоланади.**
(ушбу кўрсаткич ҳар ўқув йили бошида шакллантириладиган асосий кўрсаткичлардан олинади)

## 2.3. “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**2.3. Таълим муассасаси жамоасининг “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови иштироки кўрсаткичлари максимал: 400 балл**

**Туман босқичида иштирок этган жами ўқитувчиларнинг тўплаган умумий ўртача бали-максималл 100 балгача**

**Туман босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқитувчилар учун рағбат бали- максимал 100 балгача**

Масалан: мактабдан 11 нафар ўқитувчи максимал баллар билан совринли ўринларни эгалласа 1100 балл тўплаши мумкин, агарда улардан 7 нафари совринли (1-,2-,3-) ўринларни эгаллаб 650 балл тўпласа, мактабга иккинчи босқич якуни бўйича ((650/1100)*100=) 59,90 балл рағбат сифатида қўшиб берилади.

**Вилоят босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқитувчилар учун рағбат бали-максимал 100 балгача**

(юқоридаги формула каби рағбат бали ҳисобланади)

**Республика босқичида совринли ўринларни эгаллаган ўқитувчилар учун рағбат бали-максимал 100 балгача**

(юқоридаги формула каби рағбат бали ҳисобланади)

### 2.5. Чет тили ўқитувчиларининг ойлик маошларига қўшиб бериладиган устамалар кўрсаткичлари

**Умумтаълим мактабида фаолият кўрсатаётган чет тили ўқитувчиларининг (ўриндошлар ҳам) неча фоизи Далат тест маркази томонидан ўтказилган синов натижалари асосида 15% ёки 30% устама олиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, устама олувчи ўқитувчилар сонининг мактабдаги жами чет тили ўқитувчилари сонига нисбатан фоиздаги улушига мос равишда 100 балгача баҳоланади.**

(ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг масъул ходимлари туманлар, мактаблар кесимида маълумотни календар йилининг 1 майига қадар вазирликка тақдим этади)

### 2.6. Директор жамғармаси ҳисобидан устама олиш кўрсаткичлари

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган “Умумтаълим муассасалари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида”ги Низомга мувофик, муассасада 50%гача ўқитувчилар устама ҳақ олиш имкониятига эга. Амалда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан устама ҳақ олаётган ўқитувчилар улуши (фоизи) иккига кўпайтириш орқали муассаса 100 баллга эга бўлади.**

(ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг масъул ходимлари туманлар, мактаблар кесимида маълумотни календар йилининг 1 майига қадар вазирликка тақдим этади)

### 2.7. Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларидан ўтиш кўрсаткичлари

**Ўқитувчиларнинг малака ошириш истиқбол режаси неча фоизга бажарилган бўлса, шунга мос равишда максимал 100 балгача қўшиб берилади.**

(ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг масъул ходимлари мактаблар кесимида, ҳудудий малака ошириш институтлари туманлар кесимидаги маълумотларни календар йилининг 1 июлига қадар вазирликка тақдим этади)

## 1.3. “Ҳуқуқ билимдонлари” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**1.3. Таълим муассасаси жамоасининг “Ҳуқуқ билимдонлари” кўрик-танлови иштироки кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

- Мактаб жамосининг туман босқичида тўплаган умумий  бали- максималл 100 балгача
- Мактаб жамосининг вилоят босқичида тўплаган умумий бали-максималл 100 балгача
- Мактаб жамосининг республика босиқичида тўплаган умумий  бали- максималл 100 балгача

## 1.4. “Китобхон мактаб” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**1.4.Таълим муассасаси жамоасининг “Китобхон-мактаб” кўрик-танлови иштироки кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

**Мактаб жамосининг туман босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача**

**Мактаб жамосининг вилоят босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача**

**Мактаб жамосининг республика босиқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача**

## 1.5. “Ораста қизлар” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**1.5. Таълим муассасасининг “Ораста қизлар” кўрик-танловидаги иштироки кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

- Мактаб ўқувчисининг туман босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача
- Мактаб ўқувчисининг вилоят босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача
- Мактаб ўқувчисининг республика босиқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача

## 1.6. “Жаҳолатга қарши маърифат” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**1.6. Таълим муассасаси жамоасининг “Жаҳолатга қарши маърифат” кўрик-танлови иштироки кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

**Мактаб жамосининг туман босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача**

Кўрик-танлов тўрт босқичда учта йўналишда (иншолар, шеърлар, расмлар) ўтказилади. Таълим муассасасидан ҳар бир йўналиш бўйича бир нафардан, жами уч нафар ўқувчи иштирок этиши мумкин. Учала ўқувчилар тўплаган балнинг ўртача кўрсаткичи орқали аниқланади.

**Мактаб жамосининг вилоят босқичида тўплаган умумий бали-максималл 100 балгача**

Агар уч нафар ўқувчидан икки ёки бир нафари мазкур босқичда иштирок этиш имконини қўлга киритса, муассасага ушбу босқичда ўқувчилари киритган баллнинг учдан икки ёки учдан бир қисми қўшиб борилади. Ёки аксинча, муассасанинг учала ўқувчиси ҳам ушбу босқичда иштирок этса, уларнинг ўртача бали олинади.

**Мактаб жамосининг республика босиқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача**

(учинчи босқичдаги каби баллар ҳисобланади)

## 1.7. “Конституциямиз бахтимиз пойдевори”кўрик-танлови кўрсаткичлари

**1.7. Таълим муассасаси жамоасининг “Конституциямиз бахтимиз пойдевори” кўрик-танлови иштироки кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

Таълим муассасаларининг рейтинг балларини ҳисоблашда иншолар ва тасвирий санъат йўналишида фақатгина 8-9-синф ўқувчилари ўртасидаги кўрик-танловлар натижалари асос қилиб олинади. Кейинги босқичларда 2 нафар ўқувчи иштирок этиш имкониятига эга.

**Мактаб жамосининг туман босқичида тўплаган умумий ўртача бали- максималл 100 балгача**

**Мактаб жамосининг вилоят босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача**

Агар икки нафар ўқувчидан бир нафари мазкур босқичда иштирок этиш имконини қўлга киритса, муассасага ушбу босқичда ўқувчи тўплаган балнинг иккидан бир қисми қўшиб борилади.

**Мактаб жамосининг республика босиқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача**

(учинчи босқичдаги каби баллар ҳисобланади)

## 1.8. “Президент асарларини ўрганамиз”кўрик-танлови кўрсаткичлари

**1.8. Таълим муассасасининг “Президент асарларини ўрганамиз” кўрик-танловидаги иштироки кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

- Мактаб ўқувчисининг туман босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача
- Мактаб ўқувчисининг вилоят босқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача
- Мактаб ўқувчисининг республика босиқичида тўплаган умумий бали- максималл 100 балгача

## 1.9. 9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган умумтаълим фанларини ўзлаштириш мониторинги кўрсаткичлари

**1.9. 9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган умумтаълим фанларини ўзлаштириш мониторинги кўрсаткичлари 100 балл**

→

**Мактаб ўқувчиларининг тўплаган умумий ўртача бали- максималл 100 балгача**

# 1.10. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган онлайн олимпиада кўрсаткичлари

**1.10. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган онлайн олимпиада кўрсаткичлари 100 балл**

**Мактаб ўқувчиларининг вилоят босқичида тўплаган умумий ўртача бали- максималл 100 балгача**

Онлайн олимпиадада асосан 9-синф ўқувчиларининг иштирок этишлари кўзда тутилади. Мактабдаги барча ўқувчилар иштирок этганлиги учун 100 балгача ҳамда онлайн олимпиада натижаларига кўра иштирокчиларнинг ўртача 100 балгача баҳолиб, иккала кўрсаткичнинг ўртачаси олинади.

## 2.4. “Йилнинг энг фаол синф раҳбари” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**2.4. “Йилнинг энг фаол синф раҳбари” кўрик-танлови иштироки кўрсаткичлари максимал: 300 балл**

- **Мактаб босқичида иштирок этган синф раҳбарларининг тўплаган умумий ўртача бали- максималл 100 балгача**
- **Туман(шаҳар) босқичида иштирок этган синф раҳбари тўплаган умумий бали – максимал 100 балгача**
- **Вилоят босқичида иштирок этган синф раҳбари тўплаган умумий бали – максимал 100 балгача**

## 3.1. “Энг обод таълим муассасаси” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**3.1. “Энг обод таълим муассасаси” кўрик-танлови кўрсаткичлари 200 балл**

**Туман(шаҳар) босқичида иштирок этиб тўплаган умумий бали-максимал 100 балгача**

**Вилоят босқичида иштирок этиб тўплаган умумий бали-максимал 100 балгача**

## 3.2. “Энг яхши мактаб директори” кўрик-танлови кўрсаткичлари

**3.2. “Энг обод таълим муассасаси” кўрик-танлови кўрсаткичлари 100 балл**

**Кўрик-танловда иштирок этиб тўплаган умумий бали-максимал 100 балгача**
(кўрик-танловнинг асосий турларида иштирок эта олмаган муассаса раҳбарларининг “Келажак мактаби” концепциясини яратиб вазирликка тақдим этганлиги инобатга олинади ва концепцияга қўйилган балл билан кифояланади)

## 3.3. Муассаса жамоасининг спорт мусобақаларидаги кўрсаткичлари

**3.3. Муассаса жамоасининг спорт мусобақаларидаги кўрсаткичлари
100 балл**

**Ўқув йили якунига кўра, йил давомида ўтказилган спорт мусобақалари якунлари натижалари сарҳисобига мувофиқ аниқланади.**

## 4.1. Таълим истеъмолчилари, таълим муассасалари жамоалари ҳамда ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари кўрсаткичлари

**4.1. Таълим истеъмолчилари, таълим муассасалари жамоалари ҳамда ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари кўрсаткичлари 100 балл**

**Сўровнома онлайн тарзида ўтказилади. Сўровномада иштирок этган респондентларнинг неча фоизи ижобий фикр билдирган бўлса, шунга мос равишда максимал 100 балгача қўшиб берилади**

## 4.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мактаб фаолиятига оид мурожаатлари (шикоят ва аризалар) кўрсаткичлари

4.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мактаб фаолиятига оид мурожаатлари (шикоят ва аризалар) кўрсаткичлари
100 балл

→

Ўқув йили давомида таълим муассаси фаолиятига доир шикоят мурожаат бўлса “0” балл, бўлмаса 100 балл қўшиб берилади.

**Ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларининг рейтинг кўрсаткичлари балларини ҳисоблаш таълим муассасаларининг рейтинг кўрсаткичлари балларини ҳисоблаш тартибида амалга оширилади.**

## Ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ва таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш бўйича навбатдаги вазифалар:

1. Барча ҳудудий бошқармаларда мазкур масалага буйруқ билан масъул ходим бириктириш, зарурият бўлса ишчи гуруҳлари тузиш;

2. Янги тартибни барча туман ва шаҳар масъул ходимлари ва таълим муассасалари раҳбарларига тушунтириш учун ўқув семинари ташкил қилиш;

3. Ўтган танловларнинг (Фан олимпиадалари, Йил ўқитувчиси туман босқичи, Билимлар беллашувининг туман босқичи натижаларини, Педагог кадрлар салоҳияти, Устама ҳақ бўйича жадваллар) натижаларини холисоно босқичма-босқич тавсия этилган жадвалларга киритиб бориш.

**Мурожаат учун телефон:**
**0-371-245-05-47**
**+99893-385-69-06**
**rtmmonitoring@umai.uz**
**rtmmonitoring@inbox.uz**

# Эътиборингиз учун рахмат!